



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 12 » aprel

№ 177

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини аниқлаш ва бериш тартибини такомиллаштириш түғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматларини кўрсатишида чет давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари түғрисида” 2019 йил 12 ноябрдаги ПФ-5872-сон, “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишида янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида” 2021 йил 23 марта ПФ-6191-сон ва “Давлат хизматлари кўрсатиши инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари түғрисида” 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон Фармонларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишида янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида” 2021 йил 23 марта ПФ-6191-сон Фармонига мувофиқ жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда – шахсий идентификация рақами) барча давлат, банк, ижтимоий ва бошқа хизматларни кўрсатишида фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ягона идентификатор ҳисобланishi, солиқ органларида солиқ тўловчиларнинг ҳисоби шахсий идентификация рақамидан фойдаланган ҳолда юритилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини аниқлаш ва бериш тартиби түғрисидаги маъмурий регламент** (кейинги ўринларда – Регламент) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тугилган барча шахсларга туғилганликни қайд этиш жараёнида шахсий идентификация рақамини бериш;

чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга идентификация ID-картаси берилганда, шахсий идентификация рақамини бериш;

чет давлат фуқаросига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча бўлиб турганда ёки ўз фаолиятини ишончли вакили орқали амалга ошираётганда, шахсий идентификация рақамини бериш;

фуқаролиги бўлмаган шахсга биометрик ҳаракатланиш ҳужжати расмийлаштирилганда, шахсий идентификация рақамини бериш;

чет давлатда вақтинча ёки доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, уларнинг фарзандлари, чет давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга шахсий идентификация рақамини бериш;

жисмоний шахснинг электрон талабномасини шакллантириш.

3. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2022 йил 1 июнга қадар:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда шахсий идентификация рақамини олиш тўғрисидаги мурожаатларни қабул қилиш ҳамда тайёр бўлган шахсий идентификация рақамини бериш бўйича ахборот тизимлари интеграция қилинишини таъминласин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари орқали чет давлатлар жисмоний шахсларининг маълумотларини онлайн равишда текшириш бўйича веб-сервис ишлаб чиқиб ва уни “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилиш чораларини кўрсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 июндан бошлаб мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча ёки доимий яшаётган чет давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, хорижий давлатда доимий яшайдиган чет давлат фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча бўлиб турган ёки ўз фаолиятини ишончли вакили орқали амалга ошираётган чет давлат фуқароларига шахсий идентификация рақамларини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатилишини йўлга кўйсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

6. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳукуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва илмий фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи ва адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “12” апрелдаги 177-сон
қарорига 1-илова

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини аниқлаш ва бериш тартиби тўғрисидаги **МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини (кейинги ўринларда – шахсий идентификация рақами) аниқлаш ва бериш тартибини белгилайди.

2. Шахсий идентификация рақами Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси худудида вақтинча ёки доимий яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет элда доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси худудида вақтинча бўлиб турган ёки ўз фаолиятини ишончли вакили орқали амалга ошираётган чет эл фуқароларига (кейинги ўринларда – талабгорлар) берилади. Шахсий идентификация рақами берилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

3. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази (кейинги ўринда – Давлат персоналлаштириш маркази);

маълумотларни тўплаш пункти – шахсий идентификация рақамини олиш учун мурожаат қилган жисмоний шахснинг биографик маълумотлари ва биометрик параметрларини жамлаш, ушбу маълумотларни Давлат персоналлаштириш марказига юбориш ҳамда шакллантирилган тайёр шахсий идентификация рақамини бериш вазифасини бажарувчи ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари, давлат хизматлари марказлари, ФХДЁ органлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари;

оператор – маълумотларни тўплаш пунктининг шахсий идентификация рақамини бериш учун электрон талабномани тўлдирувчи ва Давлат персоналлаштириш маркази томонидан берилган шахсий идентификация рақамини тақдим этувчи масъул ходими;


электрон талабнома – маълумотларни тўплаш пунктидан шахсий идентификация рақамини оладиган шахснинг биографик маълумотлари ва биометрик параметрларини ўз ичига олган электрон хужжат.

2-боб. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини аниқлаш

4. Шахсий идентификация рақами машинада ҳисобланадиган хужжатлар учун халқаро стандартларга (ICAO) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг биометрик паспортларида (идентификация ID-карталарида), чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномалари ва идентификация ID-карталари ҳамда бошқа хужжатларда фойдаланилади.

5. Шахсий идентификация рақами қўйидаги тартибда жойлашган ўн тўртта рақамдан иборат бўлади:

X XXXXXX XXX XXX X



1-гурух – жинси ва туғилган асри индекси:

- 1 – 1800.1.01. – 1899.31.12 да туғилган эркаклар;
- 2 – 1800.1.01 – 1899.31.12 да туғилган аёллар;
- 3 – 1900.1.01 – 1999.31.12 да туғилган эркаклар;
- 4 – 1900.1.01 – 1999.31.12 да туғилган аёллар;
- 5 – 2000.1.01 – 2099.31.12 да туғилган эркаклар;
- 6 – 2000.1.01 – 2099.31.12 да туғилган аёллар.

2-гурух – форматдаги туғилган сана: ККООЙЙ (кун, ой, йил).

3-гурух – шахсий идентификация рақамини шакллантириш учун талабнома расмийлаштирилган туман, шаҳар коди, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари жойлашган жой.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча ёки доимий яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, хорижий давлатда яшайдиган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча бўлиб турган ёки ўз фаолиятини ишончли вакили орқали амалга ошираётган чет эл фуқароларига шахсий идентификация рақамини беришда 3-гурух рақами мазкур шахслар мурожаат қилган жойдан келиб чиқиб танланади.

4-гурух – ушбу кунда туғилган ва мазкур туманда, шаҳарда биометрик паспорт (идентификация ID-картаси), яшаш ёки туғилганлик гувоҳномасини олган жисмоний шахснинг тартиб рақами.

Тартиб рақами биометрик паспорт (идентификация ID-картаси) ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олиш навбатига мувофиқ шакллантирилади.

5-гурух – назорат рақами.

Назорат рақами (14-позиция) 10 модули бўйича доимий равишда такрорланувчи 731 731... салмоқ функцияси билан қўйидаги тарзда ҳисобланади:

рақамли маълумотларнинг тегишли элементи рақами тегишли мунтазам позицияда турган салмоқ кўрсаткичига чапдан ўнга кўпайтирилади.

Хар бир кўпайтириш натижалари жамланади.

Хосил бўлган йиғинди 10 модулига бўлинади.

Бўлишда қолган қолдиқ назорат рақами ҳисобланади.

Коднинг ҳақиқийлиги текширилади.

1-мисол.

1993 йил 12 октябрда туғилган, 024 тартиб рақами берилган эркак учун ҳисобланган назорат рақами:

3	12	10	93	204	024
7	31	73	17	317	317
21	32	70	921	6028	0228

Хосил бўлган рақамлар жамланади:

$21+3+2+7+0+9+21+6+0+28+0+2+28=127$

Натижа 10 модулига бўлинади: $127/10=12$ (қолдиқ — 7), шундай қилиб назорат рақами 7 га тенг, фуқаронинг коди эса - 3 121093 204 024 7.

2-мисол.

1990 йил 2 январда туғилган, 001 тартиб рақами берилган аёл учун ҳисобланган назорат рақами:

4	02	01	90	205	001
7	31	73	17	317	317
28	02	03	90	6035	007

Ҳосил бўлган рақамлар жамланади:

$28+0+2+0+3+9+0+6+0+35+0+0+7=90$

Натижа 10 модулига бўлинади: $90/10=9$ (қолдиқ — 0), шундай қилиб назорат рақами 0 га тенг, фуқаронинг коди эса - 4 020190 205 001 0.

3-боб. Шахсий идентификация рақамини бериш

6. Талабгорларга шахсий идентификация рақами Давлат персоналлаштириш маркази томонидан маълумотларни тўплаш пунктининг талабномаси асосида автоматлаштирилган тизим орқали шакллантирилади ва берилади.

7. Шахсий идентификация рақами ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема бўйича берилади.

8. Шахсий идентификация рақами:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган барча шахсларга туғилганликни қайд этиш жараёнида – қатъий равишда **ФХДЁ органлари** томонидан;

хорижий давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга идентификация ID-картаси берилганда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча бўлиб турган ёки ўз фаолиятини ишончли вакили орқали амалга ошираётган чет эл фуқароларига – давлат хизматлари марказлари томонидан;

хорижий давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга идентификация ID-картаси берилганда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча бўлиб турган чет эл фуқароларига – ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан;

фуқаролиги бўлмаган шахсларга биометрик ҳаракатланиш

хужжати расмийлаштирилганда – ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан;

хорижий давлатда яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг фарзандларига (шахсий идентификация рақами мавжуд бўлмаганда), чет эл фуқароларига ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга – Ўзбекистон Республикасининг **хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари** томонидан берилади.

9. Ўзбекистон Республикаси худудида вақтинча ва доимий яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга шахсий идентификация рақами куйидаги хужжатлар асосида расмийлаштириб берилади:

Ўзбекистон Республикаси худудида вақтинча яшаётган чет эл фуқароларига – **хорижий давлат фуқаросининг паспорти**;

Ўзбекистон Республикаси худудида вақтинча яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахсларга – **ҳаракатланиш ҳужжати**;

Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга – **яаш гувоҳномалари**;

Ўзбекистон Республикаси худудида ўз фаолиятини ишончли вакили орқали амалга ошираётган чет эл фуқароларига – қонунчиликда белгиланган тартибда **тан олинган ишончнома**, халқаро шартнома ва келишувларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно, ишончнома берган шахснинг шахсини тасдиқловчи хужжат нусхаси ва халқаро стандартларга (ICAO) мос рақамли фотосурати, вакилнинг шахсини тасдиқловчи хужжат.

10. Шахсий идентификация рақами талабгорларга уларнинг маълумотларни тўплаш пунктига мурожаатлари асосида берилади.

Талабгорлар шахсий идентификация рақамини олиш учун маълумотларни тўплаш пункти операторига ўзи келиб мурожаат этади (Ўзбекистон Республикаси худудида ўз фаолиятини ишончли вакили орқали амалга ошираётган чет эл фуқаролари бундан мустасно). Маълумотларни тўплаш пункти оператори талабгорлар номидан ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги электрон талабнома тўлдиради.

Тўлдирилган талабномадаги маълумотлар талабгорлар томонидан текширилиб, уларнинг тўғрилиги тасдиқланади.

11. Маълумотларни тўплаш пункти оператори томонидан

жисмоний шахснинг биографик (фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлганда), туғилган санаси, жинси, шахсий идентификация рақамини бериш учун асос бўладиган ҳужжатининг серияси ва рақами, уни берган органнинг номи ва санаси) ҳамда биометрик (барча қўл бармоқ излари (16 ёшга тўлмаган шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудида ўз фаолиятини ишончли вакили орқали амалга ошираётган чет эл фуқаролари бундан мустасно) ва фотосурати) маълумотлари автоматлаштирилган тизимга киритилиб, электрон талабнома шакллантирилади.

12. Шахсий идентификация рақамини шакллантириш учун талабнома қуйидаги ҳолларда рад этилади:

шахс ўзи ҳақида ёлғон маълумот бергандан;

шахсга аввал шахсий идентификация рақами бириктирилганда (шахсий идентификация рақами хато шакллантирилган ҳолатлар бундан мустасно);

тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Регламент талабларига мувофиқ бўлмаганда.

Талабгорлар ихтиёрига кўра асослантирилган рад жавоби ёзма равища берилади.

13. Электрон талабнома Давлат персоналлаштириш маркази томонидан қабул қилиб олингандан сўнг:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига шахсий идентификация рақами ахборот тизими воситасида **реал вақт режимида**;

Ўзбекистон Республикаси худудида вақтинча ва доимий яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга **бир иш куни** давомида шахсий идентификация рақами шакллантирилиб, маълумотларни тўплаш пунктига электрон **шаклда**;

хорижий давлатда вақтинча ёки доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг фарзандларига (шахсий идентификация рақами мавжуд бўлмаганда), чет эл фуқароларига ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар учун шахсий идентификация рақами **бир иш куни** давомида Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консулийк миассасаларига юборилади.

14. Талабгорлар Давлат персоналлаштириш маркази томонидан ушбу Регламентга З-иловага мувофиқ шакллантирилган QR-кодли шахсий идентификация рақами маълумотномасини Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам олиши мумкин.

Талабгорларнинг ихтиёрига кўра маълумотларни тўплаш пункти оператори унинг шахсий идентификация рақами маълумотномасини тақдим этади.

15. Шахсий идентификация рақами кўйидаги ҳолларда қайта шакллантирилади:

бирламчи шахсий идентификация рақами хатолик билан шакллантирилганлиги аниқланганда;

шахснинг туғилган санаси ўзгартирилганда;

шахснинг жинси ўзгартирилганда;

фарзандликка олинганда.

16. Шахсий идентификация рақамини қайта шакллантириш учун асос бўлган ҳолларда, талабгорлар ушбу бобда белгиланган тартибда мазкур ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида маълумотларни тўплаш пунктига мурожаат қиласи.

4-боб. Якунловчи қоидалар

17. Давлат персоналлаштириш маркази қайта шакллантирилган шахсий идентификация рақами барча манфаатдор давлат ташкилотларининг ахборот тизимларига юборилишини таъминлайди. Давлат ташкилотлари ўзларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида жисмоний шахсга тегишли маълумотлар бирлаштирилиши ёки мувофиқлаштирилишини таъминлайди.

18. Шахсий идентификация рақамини олиш бўйича мурожаат қилган талабгорлар давлат органлари ва ташкилотлари ёки маълумотларни тўплаш пункти томонидан шахсий идентификация рақамини беришни рад этиш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маълумотларни тўплаш пункти мансабдор шахслари хатти-харакатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш хуқуқига эга.

19. Ушбу Регламент талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахснинг
шахсий идентификация рақамини аниқлаш ва бериш тартиби
тўғрисидаги маъмурий регламентга
1-илова

**Жисмоний шахсларга шахсий идентификация рақамини бериш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-bosқич	<p>ЖШШИР олишга талаборг шахс (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси худудида вақтинча ёки доимий яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, хорижий давлатда доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси худудида вақтинча бўлиб турган ёки ўз фаолиятини ишончли вакили орқали амалга ошираётган чет эл фуқаролари)</p>	<p>Шахсий идентификация рақамини олиш учун маълумотларни тўплаш пунктига шахсан мурожаат қилиш.</p>	Заруратга кўра
2-bosқич	<p>Маълумотларни тўплаш пункти (Ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириши бўлинмалари, давлат хизматлари марказлари, ФХДЁ органлари, Ўзбекистон Республикасининг хорижсдаги дипломатик ваколатхоналари ва консулийк муассасалари)</p>	<p>1. Жисмоний шахсга шахсий идентификация рақами бириктирилганлигини ўрганиш. 2. Талабор номига электрон талабномани расмийлаштириш. 3. Талабномани Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига юбориш.</p>	Реал вақт режимида, 1 соат ичida

1. Электрон талабномага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси учун шахсий идентификация рақамини шакллантириш ва маълумотларни тўплаш пунктига электрон шаклда юбориш.

2. Ўзбекистон Республикаси худудида вақтинча ёки доимий яшаётган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс учун шахсий идентификация рақамини шакллантириш ва маълумотларни тўплаш пунктига электрон шаклда юбориш.

3. Хорижий давлатда яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг фарзандлари (шахсий идентификация рақами мавжуд бўлмаганда), чет эл фуқароларига ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар учун шахсий идентификация рақамини хориждаги маълумотларни тўплаш пунктига юбориш.

3-босқич

Давлат персоналлаштириш маркази

Реал вақт режимида

Бир иш кунида

Бир иш кунида

4-босқич

Маълумотларни тўплаш пункти
(Ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириши бўлинмалари, давлат хизматлари марказлари, ФХДЁ органлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консулийк муассасалари)

Талабгорнинг ихтиёрига кўра маълумотларни тўплаш пункти оператори унинг шахсий идентификация рақами маълумотномасини тақдим этади.

Реал вақт режимида

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахснинг
шахсий идентификация рақамини аниқлаш ва бериш
тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентга
2-илова

**Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахснинг шахсий
идентификация рақамини олиш бўйича
СЎРОВНОМА**

I. Жисмоний шахс тўғрисида маълумот:	
1. Фамилияси:	
2. Испми:	
3. Отасининг исми (мавжуд бўлса):	
4. Фуқаролиги:	
5. Боғланиш учун телефон рақами:	
6. Электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса):	
II. Илова қилинадиган ҳужжатлар:	
1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча яшаётган чет эл фуқароларига – чет эл фуқаросининг паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга – ҳаракатланиш ҳужжати;	
2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга – яшаш гувоҳномалари;	
3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча бўлиб турган чет эл фуқаролари учун – шахсини тасдиқловчи ҳужжат;	
4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини ишончли вакили орқали амалга ошираётган чет эл фуқароларига – қонунчиликда белгиланган тартибда тан олинган ишончнома, халқаро шартнома ва келишувларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно, ишончнома берган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва ICAO халқаро стандарти талабларига мос рақамли фотосурати, вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат.	

Ўзбекистон Республикасида жисмоний
шахсларга шахсий идентификация рақамини аниqlаш
ва бериш тартиби тўғрисидаги маъмурӣ регламентига
3-илова

Маълумотнома рақами:
маълумотнома берилган вақт: _____. _____.20 _____.

**Жисмоний шахснинг шахсий идентификация
рақами берилганлиги ҳақида
МАЪЛУМОТНОМА**

ЖИСМОНИЙ ШАХС ТҮҒРИСИДА МАЪЛУМОТ:


1. Фамилияси:	
2. Исми:	
3. Отасининг исми:	
4. Туғилган санаси (<i>кун, ой, йил</i>):	
5. Биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси (яшаш ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси) серияси	
6. Биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси (яшаш ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси) рақами	

7. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами:

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

_____ (масъул шахснинг лавозими)

_____ (Ф.И.О)



QR-код

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “12” апрелдаги 177-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган қарорлари
РЎЙХАТИ**

- 1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини аниқлаш тартиби тўғрисида” 1996 йил 31 майдаги 200-сон қарори.
- 2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2018 йил 19 ноябрдаги 934-сон қарорига илованинг 1-банди.